ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

# ҲОКИМЛИК БОШҚАРУВ АППАРАТИ ХОДИМЛАРИНИ ЛАВОЗИМГА ТАЙИНЛАШ ВА ЛАВОЗИМИДАН ОЗОД ЭТИШ БЎЙИЧА УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА

ТОШКЕНТ – 2024

**Ҳокимлик бошқарув аппарати ходимларини лавозимга тайинлаш ва лавозимидан озод этиш бўйича услубий қўлланма. Тошкент:** Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2024. – 19 бет.

Мазкур услубий қўлланма ҳокимликлар бошқарув аппарати тузилиши ва штатлари таркиби, ходимларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш тартибини содда тилда тушунтириш, шунингдек, бу борада ягона ҳуқуқни қўллаш амалиётини шакллантириш мақсадида ишлаб чиқилди.

Қонунчилик ҳужжатлари ўзгариши муносабати билан ушбу қўлланма такомиллаштириб борилади, шу сабабли, қўлланманинг янгиланган санасига эътибор қаратиш лозим.

Ушбу услубий қўлланма **тавсиявий хусусиятга** эга.

# МУНДАРИЖА

ҲОКИМЛИКЛАР БОШҚАРУВ АППАРАТИ ХОДИМЛАРИНИНГ МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИГА ДОИР ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ ........ 2

КИРИШ ........ 3

ҲОКИМЛИКЛАР БОШҚАРУВ АППАРАТИ СТРУКТУРАСИ ВА ШТАТЛАРИ ........ 3

ҲОКИМНИНГ МЕҲНАТГА ОИД МУНОСАБАТЛАР ЮЗАСИДАН ЧИҚАРАДИГАН ҲУЖЖАТЛАРИ ........ 8

ИНСОН РЕСУРСЛАРИНИ БОШҚАРИШГА ОИД МАЪЛУМОТЛАР ВА ҲУЖЖАТЛАРНИ "HRM.ARGOS.UZ" ЭЛЕКТРОН ПЛАТФОРМАСИДА ШАКЛЛАНТИРИШ ВА ЮРИТИШ ТАРТИБИ ........ 11

ИЛОВАЛАР ........ 13

# ҲОКИМЛИКЛАР БОШҚАРУВ АППАРАТИ ХОДИМЛАРИНИНГ МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИГА ДОИР ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ

**Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонуни**

**Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси**

**22.12.2016 йилдаги "Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги ПҚ–2691-сон Президент қарори**

**03.12.2021 йилдаги "Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчилари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ–31-сон Президент қарори**

**27.04.2016 йилдаги "Вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари бошқарув аппаратлари тўғрисидаги намунавий низомларни тасдиқлаш ҳақида"ги 123-сон Ҳукумат қарори**

**22.09.2023 йилдаги "Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида инсон ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 492-сон Ҳукумат қарори**

**22.06.2021 йилдаги "Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятига "E-qaror" электрон тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 390-сон Ҳукумат қарори**

# КИРИШ

Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ходимлар, иш берувчилар, давлат манфаатларини эътиборга олган ҳолда, меҳнат бозорининг самарали амал қилишини, ҳаққоний ва хавфсиз меҳнат шарт-шароитларини, ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари ва соғлиғи ҳимоя қилинишини таъминлайди, меҳнат унумдорлигининг ўсишига, иш сифати яхшиланишига, шу асосда барча аҳолининг моддий ва маданий турмуш даражаси юксалишига кўмаклашади. Бу борада Адлия вазирлиги унинг ҳудудий органлари ҳуқуқий ислоҳотларни амалга оширишда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятини бошқариш, мувофиқлаштириш, давлат органлари ва ташкилотларининг ҳуқуқ ижодкорлиги масалалари бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда услубий раҳбарликни амалга ошириш орқали бевосита меҳнат муносабатларида қонун нормаларини тўғри ва аниқ қўлланишини таъминлаш муҳим саналади.

Мамлакатимизда меҳнат муносабатларини давр талабига мос равишда ислоҳ қилиш юзасидан салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Мазкур чора-тадбирлар фуқароларнинг меҳнат соҳасидаги ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини янада муҳофазалашга уларга адолатли меҳнат шарт-шароитларини яратишга хизмат қилади.

Шу боис, мазкур услубий қўлланма орқали маҳаллий ижроия ҳокимияти органларида (ҳокимликлар) ходимларни ишга қалул қилиш, лавозимга тайинлаш ва озод қилиш тартиби ҳамда бу борада амалиётда учраб турадиган долзарб масалалар ҳақида сўз юритилади.

## ҲОКИМЛИКЛАР БОШҚАРУВ АППАРАТИ СТРУКТУРАСИ ВА ШТАТЛАРИ

Маҳаллий ижроия ҳокимияти органи **(ҳокимлик)** бошқармалар, бўлимлар ва бошқа бўлинмалардан иборат бўлади.

**Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ижроия ҳокимияти органларининг структураси ва штатлари:**

- ҳоким томонидан тегишли халқ депутатлари Кенгаши тасдиқлаган **бюджет доирасида** белгиланади ва ўзгартирилади;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан **келишилади.**

**Туман, шаҳар ижроия ҳокимияти органларининг структураси ва штатлари:**

- ҳоким томонидан тегишли халқ депутатлари Кенгаши тасдиқлаган **бюджет доирасида** белгиланади ва ўзгартирилади;
- юқори турувчи ҳоким билан келишилади.

Вилоят, туман, шаҳар ҳокимликлари **аппаратининг структураси ва штатлари** вилоят, туман, шаҳар халқ депутатлари Кенгаши тасдиқлаган бюджет доирасида белгиланади ва ўзгартирилади.

**Вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги аппаратининг** намунавий структураси ва штатлари Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

**Туман ва шаҳар ҳокимлиги аппаратининг** намунавий структураси ва штатлари юқори турувчи ҳоким томонидан белгиланади.

**Қорақалпоғистон Республикасида** туман ва шаҳар ҳокимлиги **аппаратининг намунавий структураси ва штатлари** Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши томонидан белгилаб қўйилади.

**Вилоят ҳокимликлари бошқарув аппаратининг намунавий тузилмаси** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 декабрдаги "Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги ПҚ–2691-сон қарори билан тасдиқланган.

*Намунавий тузилма билан танишиш учун* ***QR-код****ни* ***сканерланг:***

**Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари бошқарув ходимларининг чекланган сони** билан мазкур Қўлланманинг **Иловалар қисмида** танишишингиз мумкин.

**Туман ва шаҳарлар ҳокимликларининг намунавий ташкилий тузилмаси** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 декабрдаги ПҚ–31-сон қарори билан тасдиқланган.

| **Вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларининг бошқарув аппаратининг тузилмаси таркиби:** | |
|---|---|
| Ҳокимнинг ёрдамчиси | Болаларни ҳимоя қилиш масалалари котибияти |
| Ташкилий-назорат гуруҳи | Юридик хизмат |
| Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи, ҳарбий сафарбарлик ва фавқулодда вазиятлар масалалари гуруҳи | Ҳоким ўринбосарларининг котибиятлари |
| Ахборот-таҳлил гуруҳи | Ишлар бошқармаси |

## Ўз фаолиятида вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимига бўйсунувчи бўлинмалар:

- ✓ Ҳокимнинг ёрдамчиси
- ✓ Ташкилий-назорат гуруҳи
- ✓ Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи, ҳарбий сафарбарлик ва фавқулодда вазиятлар масалалари гуруҳи
- ✓ Болаларни ҳимоя қилиш масалалари котибияти
- ✓ Юридик хизмат
- ✓ Ахборот-таҳлил гуруҳи
- ✓ Ишлар бошқармаси

## Ўз фаолиятида вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимининг тегишли ўринбосарларига бўйсунувчи бўлинмалар:

- ✓ Котибиятлар
- ✓ Тадбиркорлик ва ишбилармонлик муҳитини ривожлантириш гуруҳи.

| Вилоят марказлари бўлган шаҳарлар ва вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар ҳокимликлари бошқарув аппаратининг тузилмаси таркиби: | |
|---|---|
| Ҳокимнинг ёрдамчиси | Ташкилий-назорат гуруҳи |
| Иқтисодиёт ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш бўлими | Сафарбарлик ишлари ва фавқулодда вазиятлар бўйича мутахассис |
| Соҳалар бўйича бош ва етакчи мутахассислар | Болаларни ҳимоя қилиш шуъбаси |
| Юрист | Бухгалтерия ва канцелярия |

## Ўз фаолиятида шаҳар ҳокимига бўйсунувчи бўлинмалар:

- ✓ Ҳокимнинг ёрдамчиси
- ✓ Ташкилий-назорат гуруҳи

- ✓ Сафарбарлик ишлари ва фавқулодда вазиятлар бўйича мутахассис
- ✓ Болаларни ҳимоя қилиш шуъбаси
- ✓ Юрист, бухгалтерия ва канцелярия.

**Соҳалар бўйича мутахассислар** ўз фаолиятида шаҳар **ҳокимига** ва ўзлари масъул бўлган соҳага кўра ҳокимнинг **тегишли ўринбосарларига** бўйсунади.

| **Туманлар ҳокимликлари бошқарув аппаратининг тузилмаси таркиби:** | |
|---|---|
| Ҳокимнинг ёрдамчиси | Ташкилий-назорат гуруҳи |
| Болаларни ҳимоя қилиш шуъбаси | Бухгалтерия |
| Юрист | Канцелярия |
| Иқтисодиёт ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш бўлими | Соҳалар бўйича бош ва етакчи мутахассислар |

**Ўз фаолиятида туман ҳокимига бўйсунувчи бўлинмалар:**

- ✓ Ҳокимнинг ёрдамчиси
- ✓ Ташкилий-назорат гуруҳи
- ✓ Болаларни ҳимоя қилиш шуъбаси
- ✓ юрист, бухгалтерия ва канцелярия

Соҳалар бўйича мутахассислар ўз фаолиятида **ҳокимга** ва ўзлари масъул бўлган соҳага кўра ҳокимнинг **тегишли ўринбосарларига** бўйсунади.

## ҲОКИМНИНГ МЕҲНАТГА ОИД МУНОСАБАТЛАР ЮЗАСИДАН ЧИҚАРАДИГАН ҲУЖЖАТЛАРИ

**Иш берувчининг** муайян ходимга (ходимларга) ёки жамоага йўналтирилган ва бир марта қўлланилиш учун мўлжалланган **якка тартибдаги ҳуқуқий ҳужжатлари:**

- **Буйруқ;**
- **Фармойиш;**
- **Қарор.**

Якка тартибдаги ҳуқуқий ҳужжатлар қонунчиликда белгиланган тартибда иш берувчининг **ваколатлари доирасида** қабул қилиниши лозим.

***Маълумот учун:*** *Агар иш берувчининг якка тартибдаги ҳуқуқий ҳужжатлари ходимлар учун меҳнат тўғрисидаги қонунчиликда ва меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган шарт-шароитларга нисбатан унча қулай бўлмаган қоидаларни ўз ичига олган бўлса, бу ҳужжатлар ёки уларнинг тегишли қисмлари ҳақиқий бўлмайди.*

***Ўзбекистон Республикасининг***
***Меҳнат кодексининг 18-моддаси***

**Вилоят, туман, шаҳар ҳокими қабул қиладиган (чиқарадиган) ҳужжатлар**

- **қарор**
- **фармойиш**

**Вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокими қарори билан лавозимга тайинланадиган ва озод этиладиган ходимлар:**

- Ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг Кадрлар сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси бўлинмалари билан келишилади.*

- Ахборот-таҳлил гуруҳи раҳбари

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ҳудудларни комплекс ривожлантириш, коммуникациялар, қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги масалалари котибияти билан келишилади.*

- Болаларни ҳимоя қилиш масалалари котибияти мудири

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Таълим, соғлиқни сақлаш ва спорт масалалари котибияти билан келишилади.*

- Ҳоким ўринбосарининг котибияти мудири ва мутахассислари, шунингдек мутахассислар

*Ҳокимнинг тегишли ўринбосари тақдимномаси бўйича.*

- Юридик хизмат ходимлари

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан келишилади.*

Ҳокимнинг ёрдамчиси ва бошқарув аппаратининг бошқа ходимлари **ҳокимнинг қарори билан** лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

**Вилоят марказлари бўлган шаҳарлар ва вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар ҳокими қарори билан лавозимга тайинланадиган ва озод этиладиган ходимлар:**

- Ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари;

- Ҳокимнинг ёрдамчиси ва бошқарув аппаратининг бошқа ходимлари.

**Туман ҳокими қарори билан лавозимга тайинланадиган ва озод этиладиган ходимлар:**

- Ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари;
- Ҳокимнинг ёрдамчиси ва бошқарув аппаратининг бошқа ходимлари.



# ИНСОН РЕСУРСЛАРИНИ БОШҚАРИШГА ОИД МАЪЛУМОТЛАР ВА ҲУЖЖАТЛАРНИ “HRM.ARGOS.UZ” ЭЛЕКТРОН ПЛАТФОРМАСИДА ШАКЛЛАНТИРИШ ВА ЮРИТИШ ТАРТИБИ

2023 йил 1 ноябрдан бошлаб республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида инсон ресурсларини бошқаришга оид барча маълумотлар ва ҳужжатлар **“hrm.argos.uz” электрон платформасида** шакллантирилади ва юритилади.

Электрон платформага уланган ҳокимликка инсон ресурсларини бошқаришга оид маълумотлар ва ҳужжатларни шакллантириш ва юритиш имконини берувчи ёпиқ бўлим ҳисобланган **ташкилот кабинети** яратилади.

*Ҳокимликларнинг инсон ресурсларини бошқаришга оид маълумотлар ва ҳужжатларни “hrm.argos.uz” электрон платформасида шакллантириш ва юритиш схемаси Қўлланманинг **5-иловасида** берилган.*

Электрон платформада ҳокимликнинг **ички идоравий ҳужжатлари (қарор ва фармойиш)** электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда **фақат электрон платформада** шакллантирилади ва қабул қилинади.

Ички идоравий ҳужжат лойиҳаси **ташкилий-назорат гуруҳи томонидан** электрон платформада ишлаб чиқилади ҳамда тегишли таркибий тузилма раҳбарлари билан келишилади.

Электрон платформа орқали қабул қилинган ички идоравий ҳужжатлар ижрога қаратиш учун “edo.ijro.uz” ахборот тизимига автоматик тарзда юборилади.

Электрон платформага маълумотларнинг ўз вақтида киритилиши, тўғрилиги ҳамда тўлиқлиги бўйича **ташкилий-назорат гуруҳи** масъул ходимлари **жавобгардир.**

Электрон платформада давлат органларининг ахборот тизимлари билан ахборот алмашинуви Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги томонидан тасдиқланган технологик йўриқнома асосида оператор – “Uzinfocom” МЧЖ томонидан амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 июндаги “Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятига “E-qaror” электрон тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 390-сон қарорига асосан **2021 йил 1 июлдан бошлаб:**

- барча маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг **қарорлари ва фармойишлари,** шу жумладан, хизмат доирасида фойдаланиш учун мўлжалланган қарорлари ва фармойишларини ишлаб чиқиш, келишиш, қабул қилиш (чиқариш), рўйхатга олиш ва эълон қилиш **“E-qaror” электрон тизими орқали** амалга оширилади;

- “E-qaror” электрон тизимини четлаб ўтган ҳолда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тегишли қарорлари ва фармойишларини қабул қилиш (чиқариш)га **йўл қўйилмайди.**

*“E-qaror” электрон тизими орқали қабул қилинган (чиқарилган) ҳужжатлар* ***юридик кучга эга эмас*** *ҳамда у қабул қилинган пайтдан эътиборан ҳеч қандай* ***ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқармайди.***

# ИЛОВАЛАР

*1-илова*

## Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари бошқарув аппарати ходимларининг чекланган сони

| Ҳудудлар номи | Бошқарув ходимларининг чекланган сони |
|---|---|
| **I тоифали ҳудудлар бўйича** | |
| Андижон вилояти | 53 |
| Қашқадарё вилояти | 53 |
| Самарқанд вилояти | 55 |
| Тошкент вилояти* | 64 |
| Фарғона вилояти | 53 |
| **II тоифали ҳудудлар бўйича** | |
| Бухоро вилояти | 55 |
| Навоий вилояти | 53 |
| Наманган вилояти | 53 |
| Сурхондарё вилояти | 53 |
| Хоразм вилояти | 55 |
| **III тоифали ҳудудлар бўйича** | |
| Жиззах вилояти | 50 |
| Сирдарё вилояти | 50 |
| **Тоифадан ташқари** | |
| Тошкент шаҳри ** | 59 |
| **Жами** | **706** |

* Туризмни ривожлантириш департаменти (35 нафар) ҳисобга олинмаган холда.

** Капитал қурилиш бошқармаси (8 нафар), Инвестициялар ва хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш бошқармаси (6 нафар) хамда Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти (40 нафар) ҳисобга олинмаган холда.

*2-илова*

## Вилоят марказлари ва Қорақалпоғистон Республикаси пойтахти ҳокимликлари бошқарув аппарати ходимларининг чекланган сони

| Шаҳарлар номи | Бошқарув ходимларининг чекланган сони | Ҳокимлик | *Шундан* Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш маркази |
|---|---|---|---|
| | **I тоифа** | | |
| Андижон | 36 | 30 | 6 |
| Бухоро | 36 | 31 | 5 |
| Қарши | 35 | 30 | 5 |
| Навоий | 34 | 30 | 4 |
| Наманган | 38 | 33 | 5 |
| Нукус | 35 | 30 | 5 |
| Самарқанд | 38 | 32 | 6 |
| Фарғона | 38 | 33 | 5 |
| | **II тоифа** | | |
| Гулистон | 31 | 27 | 4 |
| Жиззах | 31 | 27 | 4 |
| Термиз | 31 | 27 | 4 |
| Урганч | 33 | 29 | 4 |
| Нурафшон | 31 | 27 | 4 |
| **Жами** | **445** | **386** | **61** |

*3-илова*

## Вилоятга бўйсунувчи шаҳар ҳокимликлари аппарати бошқарув ходимларининг чекланган сони

| Шаҳарлар номи | Бошқарув ходимларининг чекланган сони | Шундан | |
|---|---|---|---|
| | | Ҳокимлик | Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш маркази |
| | **I тоифа** | | |
| Олмалиқ | 29 | 24 | 5 |
| Ангрен* | 31 | 26 | 5 |
| Бекобод | 29 | 25 | 4 |
| Зарафшон | 27 | 24 | 3 |
| Каттақўрғон | 28 | 24 | 4 |
| Қўқон | 29 | 24 | 5 |
| Марғилон | 29 | 24 | 5 |
| Чирчиқ | 29 | 24 | 5 |
| | **II тоифа** | | |
| Когон | 26 | 22 | 4 |
| Кувасой | 29 | 25 | 4 |
| Ширин | 26 | 23 | 3 |
| Янгиер | 25 | 22 | 3 |
| Хонобод | 26 | 23 | 3 |
| Оҳангарон | 25 | 21 | 4 |
| Янгийўл | 25 | 21 | 4 |
| Шаҳрисабз | 25 | 21 | 4 |
| Хива | 25 | 21 | 4 |
| Ғозғон | 22 | 19 | 3 |
| **Жами** | **485** | **413** | **72** |

* Янгиобод шаҳрини ҳисобга олган ҳолда.

*4-илова*

## Қишлоқ туман ҳокимликлари бошқарув аппарати ходимларининг чекланган сони

Қишлоқ туман ҳокимликлари бошқарув аппарати ходимларининг чекланган сони Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 декабрдаги ПҚ–2691-сонли қарорига 3в-илова билан белгиланган.

Рўйхат билан танишиш учун қуйидаги **QR-код**ни **сканерланг:**

*4-илова*

## Тошкент шаҳар туманлари ҳокимлари бошқарув аппарати ходимларининг чекланган сони

| Туманлар номи | Бошқарув ходимларининг чекланган сони | Шундан | |
|---|---|---|---|
| | | Ҳокимлик | Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш маркази |
| Олмазор * | 55 | 50 | 5 |
| Бектемир | 44 | 41 | 3 |
| Миробод | 46 | 42 | 4 |
| Мирзо Улуғбек | 49 | 44 | 5 |
| Сирғали | 49 | 44 | 5 |
| Учтепа | 46 | 41 | 5 |
| Чилонзор | 48 | 43 | 5 |
| Шайхонтоҳур | 48 | 43 | 5 |
| Юнусобод | 49 | 44 | 5 |
| Яккасарой | 45 | 41 | 4 |
| Яшнобод | 47 | 42 | 5 |
| Янги ҳаёт | 42 | 38 | 4 |
| **Жами** | **568** | **513** | **55** |

* “Ёшлик” шаҳарчаси ҳокимлигини ҳисобга олган ҳолда.

*5-илова*

## Инсон ресурсларини бошқаришга оид маълумотлар ва ҳужжатларни “hrm.argos.uz” электрон платформасида шакллантириш ва юритиш Схемаси

| Босқич | Масъул | Чора-тадбирлар | Муддат |
|---|---|---|---|
| 1-босқич | **Тизим оператори** | 1. Ҳокимликни “hrm.argos.uz” тизимидан рўйхатдан ўтказиш.<br>2. Ҳокимни «hrm.argos.uz» тизимида авторизациядан ўтказиш.<br>3. “hrm.argos.uz” электрон ҳар бир ҳокимликка Ташкилот кабинетини яратиш. | **Зарурат-га кўра** |
| 2-босқич | **Ҳоким** | 1. Янги технологиялар илмий-ахборот маркази томонидан бериладиган электрон рақамли имзони (ЭРИ) олиш.<br>2. ЭРИ орқали “hrm.argos.uz” тизимида рўйхатдан ўтиш.<br>3. Ташкилий-назорат гуруҳи масъул ходимини белгилаб, унга электрон платформадан фойдаланиш имкониятини бериш. | **1 кун муддатда** |
| 3-босқич | **Ташкилий -назорат гуруҳи раҳбари** | 1. Янги технологиялар илмий-ахборот маркази томонидан бериладиган электрон рақамли имзони (ЭРИ) олиш.<br>2. ЭРИ орқали “hrm.argos.uz” тизимида рўйхатдан ўтиш.<br>3. Ҳокимликнинг таркибий тузилма, штатлар ва лавозимлар тўғрисидаги маълумотларни электрон | **3 кун муддатда** |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | тизимда шакллантириш ва юритиш. | |
| 4-босқич | **Ташкилий -назорат гуруҳи раҳбари** | 1. Ҳокимликнинг ташкилот кабинетидаги ходимлар тўғрисидаги маълумотларни электрон ҳукуматнинг идоралараро интеграцион платформаси орқали шакллантириш.<br>2. “hrm.argos.uz” тизимидаги электрон ҳукуматнинг идоралараро интеграцион платформаси орқали шакллантирилган маълумотларга қўшимча киритиш, уларни таҳрир қилиш ва тўлдириш. | **5 кун муддатда** |